

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ВОИТОВА ГАВХАР АЛИШЕРОВНА**

**АНАМНЕЗИДА БЕПУШТЛИК БЎЛГАН АЁЛЛАРНИ  
ИНДУЦИРЛАНГАН ҲОМИЛАДОРЛИКНИНГ БИРИНЧИ УЧ  
ОЙЛИГИДА КЕЧИШ ВА ПСИХОЭМОЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation**

**Воитова Гавхар Алишеровна**

Анамнезида бепуштлик бўлган аёлларни индуцирланган  
хомиладорликнинг биринчи уч ойлигида кечиш ва  
психоэмоционал хусусиятлари ..... 5

**Воитова Гавхар Алишеровна**

Особенности течения первого триместра индуцированной  
беременности и психоэмоциональное состояние женщин с  
бесплодием в анамнезе..... 21

**Voitova Gavkhar Alisherovna**

Features of the first trimester of induced pregnancy and the psycho-  
emotional state of women with a history of infertility ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ВОИТОВА ГАВХАР АЛИШЕРОВНА**

**АНАМНЕЗИДА БЕПУШТЛИК БЎЛГАН АЁЛЛАРНИ  
ИНДУЦИРЛАНГАН ҲОМИЛАДОРЛИКНИНГ БИРИНЧИ УЧ  
ОЙЛИГИДА КЕЧИШ ВА ПСИХОЭМОЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.2.PhD/Tib186 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институти сида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Асатова Мунира Мирюсуповна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Аюпова Фарида Мирзаевна**  
тиббиёт фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Давлат муассасаси**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) - 262-33-14; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz))

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ - сон билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 223 - уй. Тел. / Факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.В.Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Э.А. Шамансурова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.И. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «дунёда репродуктив ёшдаги барча жуфтликларнинг тахминан 17,5% қисми бепуштлиқдан азият чекади, умумий популяцияда аёлларнинг бепуштлиги эса баланд даражада (8%) сақланиб қолмоқда ва аксарият ҳолларда эндокрин патологияга боғлиқдир»<sup>1</sup>. Бугунги кунда бепуштлиқ билан боғлиқ бўлган кўпчилик патологик ҳолатларни даволаш имкони бор ва натижада овуляцияни стимулловчи турли дори воситалари ва кўшимча репродуктив технологияларни қўллаш ёрдамида эришилган индуцирланган ҳомиладорлик билан аёллар сони узлуксиз ўсиб бормоқда. Ановулятор бепуштлиқни даволаш туфайли ҳомиладорликнинг ривожланиш частотаси анча баланд ва бузилишларнинг турига қараб 30 дан 80% гачани ташкил этади. «Бироқ, фақатгина ҳомиладорлик ривожланганидагина эмас, балки унинг ижобий кечганида ва тўлақонли зурриёт туғилганида бепуштлиқни даволаш самарали ва ўзини оқлаган бўлиб ҳисобланади»<sup>2</sup>. Бир қатор тадқиқотларнинг натижасига кўра, индуцирланган ҳомиладорликни йўқотишнинг 50% га яқини руҳий-эмоционал бузилишлар ва улар билан боғлиқ бўлган ҳомиладорликнинг биринчи триместридаги эрта токсикозларнинг хусусиятлари билан боғлиқдир. Шундай қилиб, индуцирланган ҳомиладорликнинг салбий яқунланиш частотасининг юқорилиги, бепуштлиқнинг эндокрин турлари билан аёлларда руҳий-эмоционал бузилишлар хусусиятларининг мавжудлиги ва адабиётларда ушбу муаммонинг кенг муҳокама қилиниши ушбу йўналишдаги тадқиқотларни давом эттиришнинг долзарблигини белгилаб беради.

Дунё амалиётида бепуштлиқ билан боғлиқ бўлган ва мавжуд бўлган эндокрин бузилишларни янада ёмонлаштирувчи ва ёндош юрак-қон томир, систем ва модда алмашинув касалликларининг юзага келишига ёки оғирлашишига сабаб бўлувчи руҳий-эмоционал бузилишларни ўрганишга қаратилган бир қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бепуштлиқ патогенезида номаълум сабаблар туфайли тухумдонлар тўқимасида келиб чиққан «совук», асептик яллиғланиш, аёллар жинсий тизимининг ўтказилган яллиғланиш жараёнлари ёки аутоиммун механизмлар аҳамиятга эга бўлгани туфайли тухумдонлар поликистози билан аёлларда тухумдонларнинг текал тўқимаси ва фолликуляр суюқлигида простагландинлар ва бошқа яллиғланиш медиаторлари микдорининг ортисининг аҳамиятини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Тухумдонлар стероид гормонлари етишмовчилиги ва метаболик, урогенитал ва руҳий-эмоционал бузулишлар ривожланишига олиб келувчи тухумдонлар гипоандроген

<sup>1</sup> Schoolcraft W, Meseguer M; Global Fertility Alliance. Paving the way for a gold standard of care for infertility treatment: improving outcomes through standardization of laboratory procedures. *Reprod Biomed Online*. 2017; 35(4):391-399.

<sup>2</sup> Sormunen T, Aanesen A, Fossum B, Karlgren K, Westerbotn M. Infertility-related communication and coping strategies among women affected by primary or secondary infertility. *J Clin Nurs*. 2018; 27(1-2):335-344.

етишмовчилиги ҳозирги кунга қадар препродуктив эндокринологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш ва даражасини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда, хусусан, аёлларнинг руҳий-эмоционал ҳолати устидан назоратни ошириш ҳисобига эндокрин бепуштлик билан беморларни даволаш натижаларини яхшилашда ижобий натижаларга эришилмоқда. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»<sup>1</sup>. Шунга кўра, анамнезида бепуштлик бўлган аёлларнинг руҳий-эмоционал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда индуцирланган ҳомиладорликнинг биринчи триместрини олиб бориш тактикасини оптималлаштириш долзарб йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 10 майдаги 352-сон "Қизлар ва фертил ёшидаги аёлларга кўрсатиладиган акушер-гинекологик ва тиббий ёрдам хизматлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўтган ўн йиллик даврида акушерлик ва гинекология соҳасида янги генетик ва геном технологияларининг қўлланиши эндокрин, айниқса, репродукция ва тухумдонлар биологиясини нейроэндокрин назорат қилиш билан боғлиқ бўлган бузилишларни тушуниш, ташхислаш ва даволашда муваффақиятларга олиб келди. «Эндокрин бепуштлик гипоталамус-гипофиз-тухумдонлар тизимида боғланишлар юзага келишининг турли даражаларида овулятор бузилишларнинг спектрини ўз ичига олади» (Варламова А.И.<sup>2</sup>). Broughton DE<sup>1</sup> фикрига кўра, «бугунги кунда овуляция

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947- сонли Фармони «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

<sup>2</sup> Варламова А.И. Особенности течения и ведения индуцированной беременности. Молодой ученый. 2017; 14(2): 6-7.

бузилиши билан боғлиқ бўлган куйидаги ҳолатларни ажратишади: ановуляция, лютеин босқичининг етишмовчилиги, овуляция бўлмаган фолликулнинг лютеинланиш синдроми, қалқонсимон без патологияси ва пролактинемия». Хорижий нашрларнинг шарҳи шуни кўрсатадики, поликистозли тухумдонлар синдроми туғиш ёшидаги аёлларда энг кўп учрайдиган ва аёллар бепуштлигига олиб келадиган етакчи сабаблардан ҳисобланади (Cunningham J.<sup>2</sup>). Wang R<sup>3</sup>, «Поликистозли тухумдонлар синдроми полиэндокрин синдром бўлиб, тухумдонлар, ошқозон ости бези, буйрак усти бези қобик қисми, гипоталамус ва гипофиз фаолиятининг бузилиши билан кечеди ва турли этник гуруҳларда бир ҳилда тарқалган». Бироқ, тўғри даволаш ўтказилганида, бу аёллар ҳомиладор бўлиши, уни кўтариб юриб, соғлом бола туғиши мумкин. Бугунги кунда овуляцияни медикаментоз индукция қилиш усулида ҳомиладор бўлиш частотаси анчагина юқори бўлиб, бузилишнинг турига қараб 30 дан 80% гача етиши мумкин.

Navid B<sup>4</sup> маълумотларига кўра, «индуцирланган ҳомиладорликнинг кечиши ўзига хос айрим хусусиятларга эга ва кўпчилик асоратлар билан кечиши мумкин, ўз навбатида, улар салбий оқибатларга олиб келиши мумкин». Биринчи триместрнинг клиник жиҳатдан аҳамиятли асоратлари орасида эрта токсикоз, ҳомила тушиш хавфи, ҳомиланинг ўз-ўзидан тушиши ва ҳомиладорликнинг ривожланмаслиги ҳисобланади. Бугунги кунда «ҳомиладорликнинг эрта токсикози патогенезида марказий асаб тизими функционал ҳолатининг бузилиши етакчи ўрин эгаллаши ва анамнезида бирламчи ёки иккиламчи бепуштлик билан боғлиқ бўлган руҳий-эмоционал ҳолат хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга» (Salih Joelsson L<sup>5</sup>) эканлиги умумий қабул қилингандир. Patel A<sup>6</sup> бошчилигидаги мутахассислар томонидан ўтказилган кўп омилли таҳлил шуни кўрсатдики, аёлларнинг руҳий-эмоционал ҳолати бепуштликнинг турига ва уни «енгиб ўтиш»нинг мураккаблигига боғлиқдир. Муаллифларнинг фикрига кўра, «руҳий стресс перинатал муаммоларнинг бутун бир мажмуасини ифодалаб, руҳий ҳолатни ўз вақтида коррекция қилиш овуляцияни индукция қилиш билан боғлиқ бўлган ҳомиладорлик аномалиялари профилактикасининг самарали усули бўлиб ҳисобланади». Репродуктив эндокринологиядаги ривожланиш ва кундалик амалиётга овуляцияни индукция қилишнинг турлича

---

<sup>1</sup> Broughton DE, Moley KH. Obesity and female infertility: potential mediators of obesity's impact. *Fertil Steril.* 2017; 107(4):840-847.

<sup>2</sup> Cunningham J. Infertility: A primer for primary care providers. *JAAPA.* 2017 Sep;30(9):19-25.

<sup>3</sup> Wang R, Mol BW. The Rotterdam criteria for polycystic ovary syndrome: evidence-based criteria? *Hum Reprod.* 2017; 32(2):261-264.

<sup>4</sup> Navid B, Mohammadi M, Vesali S, Mohajeri M, Omani Samani R. Correlation of The Etiology of Infertility with Life Satisfaction and Mood Disorders in Couples who Undergo Assisted Reproductive Technologies. *Int J Fertil Steril.* 2017;11(3):205-210.

<sup>5</sup> Salih Joelsson L, Tydén T, Wanggren K, Georgakis MK, Stern J, Berglund A, Skalkidou A. Anxiety and depression symptoms among sub-fertile women, women pregnant after infertility treatment, and naturally pregnant women. *Eur Psychiatry.* 2017;45:212-219.

<sup>6</sup> Patel A, et al. Prevalence and predictors of infertility-specific stress in women diagnosed with primary infertility: A clinic-based study. *J Hum Reprod Sci.* 2016; 9(1):28-34.

усулларини жорий қилиш клиник акушерлик ва гинекология учун индуцирланган ҳомиладорлик кечишини назорат қилиш ва олиб боришнинг рационал тактикасини танлашдек янги вазифаларни юзага келтиради.

Ўтказилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, индуцирланган ҳомиладорликни олиб бориш рационал тактикаси муҳим масалалари бўйича мутахассисларнинг ягона фикри мавжуд эмаслиги туфайли бу муаммо долзарб бўлиб қолмоқда. Келтирилган маълумотлар эндокрин бепуштликни кечиш оғирлигини полипозицион таҳлилни ҳисобга олган ҳолда индуцирланган ҳомиладорлик билан аёлларда руҳий-эмоционал бузилишлар хусусиятларини баҳолаш оптимал ташхислаш алгоритмини излаш ва ишлаб чиқиш амалий гинекологиянинг долзарб муаммоларидан бири эканлигидан далолат беради. Шундай қилиб, эндокрин бепуштлик билан аёлларнинг руҳий-эмоционал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда индуцирланган ҳомиладорликнинг биринчи триместри асоратларини олиб боришнинг даволаш-ташхислаш тактикасини такомиллаштириш муаммолари охиригача ечимини топмаган.

**Диссертация мавзуси диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация илмий-тадқиқот иши Тошкент врачлар малакасини ошириш институтити ПЗ-2017091320 «Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг ижтимоий-психологик механизмлари» мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида амалга оширилган (2018-2020 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** анамнезида бепуштлик бўлган аёлларнинг руҳий-эмоционал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда индуцирланган ҳомиладорлик биринчи триместрини олиб бориш тактикасини оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

аёлларда эндокрин бепуштликнинг тарқалиши ва структурасини ўрганиш;

эндокрин бепуштлик билан аёлларнинг руҳий-эмоционал ҳолатининг хусусиятларини аниқлаш;

индуцирланган ҳомиладорлик биринчи триместрида кўнгил айланиш ва қайт қилиш кечишининг клиник-лаборатор хусусиятларини ўрганиш;

индуцирланган ҳомиладорлик ва унинг биринчи триместри асоратлар билан кечган аёллар руҳий-эмоционал ҳолатининг хусусиятларини ўрганиш;

индуцирланган ҳомиладорлик биринчи триместрида кўнгил айланиш ва қайт қилишни коррекция қилиш турли усулларининг самарадорлигини таҳлил қилиш;

индуцирланган ҳомиладорлик биринчи триместрида кўнгил айланиш ва қайт қилишда даволаш-ташхислаш тактикаси алгоритмини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент шаҳар перинатал марказида 2009 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда кузатилган эндокрин бепуштлик



билан 375 нафар аёл ва овуляцияни медикаментоз индукциялашдан сўнг 305 нафар ҳомиладорлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** анамнезида бепуштлик бўлган аёлларда индуцирланган ҳомиладорлик биринчи триместрини олиб боришнинг турли технологияларини қўллаш натижаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор ва инструментал ва махсус (гормонал фонни ўрганиш, руҳий-эмоционал ҳолатни баҳолаш) текширув усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бирламчи ва иккиламчи эндокрин аёллар бепуштлигининг патогенетик жиҳатлари аниқланган ҳамда гипоталамус-гипофиз-тухумдонлар системаси гормонал метаболизми бузилишининг асосий этиологик хавф омилларининг структураси ва таъсир даражаси аниқлаштирилган;

анамнезида бепуштлик бўлган аёлларда руҳий-эмоционал ҳолат ҳамда гестацион давр асоратлари частотаси ва ифодаланганлиги орасида боғлиқлик борлиги аниқланган;

анамнезида бепуштлик бўлган аёлларда индуцирланган ҳомиладорликда хавотир-депрессив ҳолатлар шаклланишининг психоэмоционал хусусиятлари ва уларнинг гестацион даврда кўнгий айнаш ва қайт қилшнинг ривожланишига таъсири аниқланган;

анамнезида бепуштлик бўлган аёллар психологик таранглик даражасини аниқлаш индуцирланган ҳомиладорлик кечишини башорат қилиш ва гестацион давр асоратлари ривожланиши хавфини бартараф қилиш учун эрта психотерапия ўтказишнинг потенциал зарурати аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

анамнезида бепуштлик бўлган ҳомиладорларда психологнинг барвақт маслаҳатига кўрсатмаларни кенгайтириш имконини берувчи руҳий-эмоционал нохушлик синдроми мезонлари аниқланган;

анамнезида бепуштлик бўлган ва индуцирланган ҳомиладорлик билан аёллар руҳий-эмоционал ҳолати хусусиятлари ва бузилишлари аниқланган;

анамнезида бепуштлик бўлган аёлларда гестацион давр асоратлари профилактикаси ва коррекцияси, эрта токсикозлар намоян бўлиш даражасининг сезиларли камайишига ёрдам берувчи психологик маслаҳат бериш мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги асослаб берилган;

анамнезида бепуштлик бўлган аёлларда руҳий-эмоционал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда индуцирланган ҳомиладорлик эрта токсикозларини олиб бориш тактикасининг даволаш-ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган;

психоэмоционал таранглик фонида кечаётган индуцирланган ҳомиладорлик биринчи триместрида кўнгий айнаш ва қайт қилишда *Zingiber officinale* (доривор занжабил) асосидаги дори воситаларининг ижобий фармакотерапевтик таъсири исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, амалиётга кенг қўлланиладиган умумий клиник,

инструментал, лаборатор таҳлил усулларида фойдаланилган ҳолда тасдиқланган. Статистик ишлов бериш натижаларнинг ишончилигини тасдиқлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шунинг билан белгиланадики, чиқарилган хулосалар ва тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, индуцирланган ҳомиладорлик биринчи триместрининг кечиши хусусиятларини ўрганишга сезиларли ҳисса қўшишидан иборат, анамнезида бепуштлик бўлган аёлларни психолог томонидан барвақт маслаҳат беришига кўрсатмаларни кенгайтириш имконини берувчи руҳий-эмоционал нохушлик синдроми мезонлари аниқланган, шунингдек анамнезида бепуштлик бўлган ва индуцирланган ҳомиладорлик билан аёлларга барвақт психолог маслаҳати биринчи гестацион давр асоратлари ривожланиши частотасининг паст бўлиши ва натижада ҳомиладорликнинг кечиши ва оқибатининг ижобий бўлишига сезиларли таъсир қилиши исботланган.

Амалий аҳамияти шундан иборатки, индуцирланган ҳомиладорлик биринчи триместрида кўнгил айланиш ва қайт қилишда *Zingiber officinale* (доривор занжабил) асосидаги дори воситаларини қўллаш мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигининг аҳамияти қиёсий жиҳатдан аниқланган ва баҳо берилган, анамнезида бепуштлик бўлган ва индуцирланган ҳомиладорлик билан аёлларга психолог маслаҳати гестацион давр асоратлари профилактикаси, коррекциясига, эрта токсикозлар намоян бўлиш даражасини камайтиришга ёрдам беради, клиник амалиётга татбиқ этилган даволаш-ташхислаш алгоритми анамнезида бепуштлик бўлган аёллар руҳий-эмоционал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда индуцирланган ҳомиладорлик эрта токсикозларини олиб бориш тактикасини такомиллаштирилга ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Анамнезида бепуштлик бўлган аёлларда индуцирланган ҳомиладорликни олиб бориш натижаларини яхшилаш бўйича илмий изланишлар натижаларига кўра:

«Индуцирланган ҳомиладорлик биринчи триместрида кўнгил айланиш ва қайт қилиш клиник кечиши хусусиятлари ва олиб бориш тактикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 15 майдаги №8н-р/189-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар индуцирланган ҳомиладорлик билан аёлларда кўнгил айланиш ва қайт қилиш ҳамда кўп учровчи эрта токсикозларни камайтириш ҳисобига биринчи триместрнинг кечишини яхшилаш имконини берган;

«Индуцирланган ҳомиладорлик биринчи триместрида кўнгил айланиш ва қайт қилишда даволаш тактикасини танлаш учун услубий қўлланмалар» тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 15 майдаги 8н-р/189-сон маълумотномаси). Илмий натижалар индуцирланган ҳомиладорликнинг биринчи триместрини олиб боришга дифференциал ёндашувни оптималлаштириш имконини берган;

анамнезида бепуштлик бўлган аёлларда индуцирланган ҳомиладорликни олиб бориш натижаларини яхшилаш бўйича бажарилган диссертация ишидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан,

Тошкент шаҳар перинатал маркази, Тошкент вилоят перинатал маркази амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 15 майдаги 8н-р/189-сон маълумотномаси). Мазкур натижаларнинг жорий қилиниши анамнезида бепуштлик бўлган аёллар руҳий-эмоционал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда индуцирланган ҳомиладорлик биринчи триместри асоратларини ташхислаш сифатини ошириш, олиб бориш тактикасини оптималлаштириш, эрта кўнгил айниш ва қайт қилиш частотасини ва оғирлигини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларида, шу жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 6 та мақола, шундан, 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблилиги ва ўтказилган тадқиқотнинг зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предмет тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши баён этилган, тадқиқот натижаларнинг апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши тўғрисида қисқача маълумот берилган.

Диссертациянинг **«Бепуштлиги бўлган аёлларда индуцирланган ҳомиладорликнинг эндокрин ва психологик жиҳатлари»**, деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида ушбу муаммонинг замонавий ҳолати таҳлил қилинган. Аёллар бепуштлиги турли шакллари ривожланишининг этиологияси, патогенези ва механизмлари тўғрисида батафсил илмий-амалий маълумотлар келтирилган. Индуцирланган ҳомиладорлик эрта муддатлари кечинининг хусусиятлари, ҳомиладорларда кўнгил айниш ва қайт қилишни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари, уларнинг натижалари, камчилик ва устунликлари таърифланган.

Диссертациянинг **«Материалнинг клиник тавсифи ва текширув усуллари шариҳи»**, деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг тавсифи келтирилган. Ушбу диссертация бир неча йўналишлар бўйича тадқиқот натижаларига асосланган. Асосий материал

сифатида 2009 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг акушерлик-гинекология ва перинатал тиббиёт кафедраси жойлашган шаҳар перинатал марказида (Тошкент шаҳри) эндокрин бепуштлиқ билан кузатувда бўлган 375 нафар аёлда ўтказилган текширув натижаларининг таҳлили қўлланган. Психологик ҳолатни баҳолаш бепуштлиқ билан беморлар учун ишлаб чиқилган Psychological Evaluation Test (PET) махсус сўровномаси ёрдамида ўтказилди. Ҳомиладорларнинг шахсият даражаси ва реактив хавотирлигини баҳолаш учун Спилбергер-Ханин шкаласи қўлланди. Кўнгил айниш ва қайт қилиш оғирлигини баҳолашда махсус PUQE-24 шкаласидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Эндокрин бепуштлиқ билан аёлларда репродуктив система функционал ҳолати ва психологик статус хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобда аёллар бепуштлигида репродуктив бузилишлар структураси ва хусусиятлари таҳлили натижалари ва бепуштлиқ учун характерли бўлган хавотирли, депрессив ва хавотирли-депрессив ҳолатлар тарқалиши ва характерини ўрганиш натижалари тақдим этилган.

2009 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда Тошкент шаҳар перинатал марказида эндокрин бепуштлиқ билан 375 нафар аёллар кузатилган. Кўпчилик аёллар ( $n=166$ , 44,3%) 26-30 ёш оралиғида эдилар. 303 (80,8%) нафар аёл бирламчи бепушт (бир йил давомида контрацепция усуллари қўлланмасдан мунтазам жинсий алоқада бўлишига қарамасдан анамнезида ҳомиладорлик бўлмаган) эдилар, қолган 72 (19,2%) нафар аёл эса иккиламчи бепушт (анамнезида ҳомиладорлик бўлган бепушт аёллар) эди. Улардан 21 та (5,6%) аёлда анамнезида икки бор ва 51 тасида (13,6%) бир марта ҳомиладорлик кузатилиб, туғруқ билан тугаган.

Репродуктив фаолиятнинг этиологик омилларидан кўпинча қуйидагилар аниқланган: гипогонадали тухумдон етишмовчилиги 64% ҳолатда учраган ва фолликулни стимулловчи гормон (ФСГ) миқдорининг камайиши билан боғлиқ бўлган; гиперандроения 31,5% ҳолатда қайд этилган; гиперпролактинемия 97 та (25,9%) аёлларда кузатилган. Шуни таъкидлаш лозимки, 51,2% (192 та) ҳолатда эндокрин бепуштлиқнинг бир неча сабаблари биргаликда учраган.

Бизнинг маълумотларимизга кўра, бепуштлиқ учун хос бўлган стресснинг тарқоқлиги 52,7%ни (196 та мижоз) ташкил этди.

Бепуштлиқ билан боғлиқ стресс характеристикаларининг фарқларини аниқлаш ва дифференциаллашган ёндашиш мақсадида мижозлар бирламчи ( $n=300$ ) ва иккиламчи ( $n=72$ ) бепуштлиқ гуруҳларига ажратилган.

Иккиламчи эндокрин бепушлиқ билан аёллар гуруҳида хавотирли, депрессив ва хавотирли-депрессив ҳолатлари тарқалиши кўпроқ, психологик ҳолати оғирроқ бўлган ва бу бепуштлиқ анамнезининг давомийлиги, аввалги ҳомиладорликларнинг самарасизлиги ва асоратлари билан боғлиқлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Тадқиқот натижаларига кўра, бирламчи бепушлиқ учун PET 35,4 балл, иккиламчи бепушлиқ билан аёллар гуруҳида – 45,64 баллни ташкил қилди.

30 баллдан юқори РЕТ бирламчи бепуштлик билан аёлларнинг 138 тасида (46%) ук иккиламчи бепуштлик билан аёлларнинг 58 тасида (80,6%) кузатилган. Шундай қилиб, иккиламчи бепуштлик билан аёллар гуруҳидагиларнинг катта қисми оғирлашган психологик профил тоифасига мансуб бўлиши мумкин бўлган.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, кўрқув, ишончсизлик, хавотирлик, яқинларининг тушуниши, ёрдами ва қувватлашининг йўқлиги бепушлик билан аёлларнинг деярли ҳаммасида ҳам мавжуд бўлган.

Гуруҳлар орасида юқори балли жавоблар нисбатини таҳлил қилинганда, навбатдаги даволаш сеансидан сўнг мструациянинг мавжудлиги ҳолати бепуштликда депрессиянинг муҳим омилларидан эканлиги аниқланди. Шунингдек, турмуш ўртоғи билан жинсий муносабатларнинг бузилишининг учраши бирламчи бепуштликда ҳам, иккиламчи бепуштлик бўлган аёлларда ҳам юқори даражада (мос равишда, 57,3% ва 68,1%) кузатилди. Бепуштлик муаммоси билан боғлиқ бўлган психосоматик белгиларнинг пайдо бўлиши ва ақлдан озишдан кўркиш иккиламчи бепуштлик билан аёллар орасида оғир хавотирлик ва депрессия мавжудлиги тўғрисида далолат беради.

Бундан ташқари, болалар йўқлиги ва даволашнинг қийинлиги сабабли қалбидаги бўшлик хисси учрашининг катта частотаси (70,8%) ушбу гуруҳ аёлларининг юқори даражадаги эмоционал сезгирлигини кўрсатади.

Турмушдаги бепушлик сабабли жуфтлик орасидаги кундалик муносабатларнинг ёмонлашиши 73,6% ҳолларда аниқланди.

Шундай қилиб, эндокрин бепуштлик билан аёллар учун даволаниш ва фертиллиكنинг тикланиш жараёнларини мураккаблаштирувчи аффектив бузилишлар хос эканлиги исботланди. Ижтимоий кўмак ва шахсий ўз-ўзини баҳолашни ошириш масалалари ушбу тоифа аёлларнинг психий саломатлигининг энг нозик томонлари бўлиб ҳисобланади. Узоқ муддатли иккиламчи бепушлик, бепуштлик билан боғлиқ бўлган стрессни енгиб ўтишдаги қийинчиликлар ва овуляцияни инукциялашдаги қайта муваффақиятсизликлар бўлган аёллар алоҳида эътибор талаб қилишади.


Таъкидлаб ўтилган вазиятлар аёлларнинг бепуштлигини даволаш дастурига бепуштлик билан боғлиқ бўлган рухий-эмоционал бузилишларнинг олдини олиш ва коррекция қилишни мақсад қилиб олган ихтисослашган психолог маслаҳатларини кўшиш зарурлигини тақозо қилади.

Диссертациянинг **«Индукцияланган ҳомиладорлик биринчи триместри кечиш хусусиятлари»** деб номланган тўртинчи бобида индукцияланган ҳомиладорлик билан аёлларда биринчи триместрнинг клиник кечиш хусусиятларини қиёсий ўрганиш натижалари, ушбу даврда энг кўп учрайдиган асорат – кўнгий айниш ва қайт қилшнинг частотаси ва структураси тақдим этилган.

Бизнинг кузатувларимизга кўра, диссертация тадқиқотининг асосига олинган 2009 йилдан 2017 йилгача даврда Тошкент шаҳар перинатал марказида эндокрин бепуштлик билан кузатувда бўлган 375 нафар аёллардан 305 тасида (81,3%) овуляцияни медикаментоз индукциялаш натижасида

хомиладорлик юзага келган. 88,5% (n=270) ҳолатда индуцирланган хомиладорликнинг биринчи триместри кўнгил айланиш ва қайт қилиш билан кузатилиб, бу аёллар тадқиқотнинг асосий гуруҳига киритилган. 2016 йилда хомиладорликнинг 4-12 ҳафтасида кўнгил айланиш ва қайт қилиш шикоятлари билан клиникамизга мурожаат қилган меъёрдаги хомиладорлик билан 114 нафар аёллардан таққослов гуруҳи ташкил қилинган.

Кўнгил айланиш ва қайт қилиш оғирлигини баҳолашда махсус PUQE-24 шкаласидан фойдаланилди, унга кўра, асосий гуруҳдаги хомиладорларнинг 47 тасида (17,4%) енгил, 118 тасида (43,7%) ўртача ва 105 тасида (38,9%) оғир даражадаги кўнгил айланиш ва қайт қилиш қайд этилган. Таққослов гуруҳида эса, кўнгил айланиш ва қайт қилишнинг енгил (24,6%) ва ўрта (57,9%) даражалари кўпроқ, оғир даражаси эса (17,5%) камроқ кузатилган (1-расм).



**1-расм. Кўнгил айланиш ва қайт қилиш билан хомиладорларнинг PUQE-24 таснифи бўйича тақсимланиши**

Кўнгил айланиш ва қайт қилишнинг оғир даражаси индуцирланган хомиладорлик бўлган аёллар гуруҳида кўп учраган (38,9% га қарши 17,5%,  $P < 0,05$ ).

Тадқиқот давомида аниқланишича, индуцирланган хомиладорликнинг биринчи триместрида кўнгил айланиш ва қайт қилиш анча оғирроқ симптоматика ва ҳар куни бир вақтда анча давомий кўнгий айланишнинг пайдо бўлиши (69,6%) ва кун давомида тез-тез ўқчиш (72,6%) хусусиятлари билан тавсифланди.

Иккала гуруҳда ҳам кўпчилик аёллар кўнгил айланиш ва қорин пастки соҳасидаги оғриқларнинг кун давомида 4 дан 6 соатгача давом этишига шикоят қилганлар, бироқ, асосий гуруҳда улар кўпроқ учрадилар (45,9% ва 31,6%,  $P < 0,05$ ). Ушбу белгиларнинг кун давомида 6 соатдан узоқроқ давом этиши асосий гуруҳдаги 64 та (23,7%) аёлда кузатилди ва бу таққослов гуруҳидагига (7%) нисбатан анча кўп эди, яна таққослов гуруҳдагиларнинг

13 тасида (11,4%) кўнгил айланиш кузатилмаган, яъни фақатгина қайт қилиш ва/ёки ўқчишлар кузатилган.

Индуцирланган ҳомиладорлик билан аёлларда фарқли равишда белгиларнинг секин-аста кучайиб бориши ва янада мураккаб асоратлар ривожланишдан кўрқув хисси кузатилди. Шунингдек, асосий гуруҳ беморларининг катта қисми (93 нафар – 78,8%) эрталабки соатларда кўнгил айланиш ва қориндаги оғриқларнинг пайдо бўлишини кузатганлар, қасики таққослов гуруҳидаги ҳомиладорларда учрамади.


Асосий ва таққослов гуруҳларида кунига 5-6 марта қайт қилиш, мос равишда, 45,6% (n=123) ва 39,5% (n=123) ҳолатларда кузатилди. Кунига 7 мартадан ортиқ қайт қилиш асосий гуруҳидаги 57 та (21%) ва таққослов гуруҳидаги 8 та (7%) аёлларда қайд этилди, бу эса индуцирланган ҳомиладорликда физиологик ҳомиладорликка нисбатан кўнгил айланиш ва қайт қилишнинг охирироқ кечишини англатади ( $P<0,05$ ).

Шу билан бирга, таққослов гуруҳида қайт қилиш частотаси кунига 1-2 марта (29,9%) ва 3-4 марта (21%) бўлган аёллар сонининг нисбатан кўплиги ва ҳаттоки 3 та (2,6%) физиологик ҳомиладорлик билан аёлларда бу белгиларнинг умуман бўлмаслиги ҳам кузатилди. Кўрсатилган барча ҳолатлар кўнгил айланиш ва қайт қилишнинг PUQE-24 бўйича ўртача оғирлик даражасига киритилди. Таққослов гуруҳида кунига 1-2 марта ўқчишлар кузатилган аёллар (39,5%) устунлик қилган бўлса, асосий гуруҳда бу кўрсаткич бор-йўғи 3,7%ни ташкил қилди ( $P<0,05$ ). Кунига 7 мартадан ортиқ ўқчишлар индуцирланган ҳомиладорлик билан аёллар гуруҳида 105 та (38,9%) ва физиологик ҳомиладорлик билан аёллар гуруҳида 5 та (4,4%) аёлларда кузатилди, бу эса асосий гуруҳидаги аёлларда биринчи триместрдаги кўнгил айланиш ва қайт қилишнинг оғирроқ кечишини тасдқлайди.

Лаборатор силжишлар эса гипербилирубинемия, гиперферментемия, туз алмашинуви (гипокалиемия ва гипонатриемия), оқсил алмашинуви (гипопротеинемия ва протеинурия) бузилиши, гиперкоагуляция ва ацетонурия ҳолида намоян бўлди.

Кўнгил айланиш ва қайт қилишнинг оғирлик даражасидан қатъий назар индуцирланган ҳомиладорлик билан аёлларнинг 87,7%ида (n=237) физиологик ҳомиладорлик билан аёллар гуруҳида учрамаган зўриқиш ва ҳомиладорликнинг тўхташ эҳтимоллиги хисси кузатилди.

Спилбергер-Ханин сўровномаси бўйича кўнгил айланиш ва қайт қилиш билан аёлларнинг руҳий-эмоционал ҳолатини баҳолаш натижалари таҳлил қилинганда 121 та (44,8%) аёлларда юқори даражали шахсий хавотирлик ва 195 та (72,2%) аёлларда юқори даражадаги ситуатив хавотирлик хисси кузатилди (2-расм).



**2-расм. Спилбергер-Ханинг шкаласи бўйича баҳолашга биноан хавотирлик даражасига кўра ҳомиладорларнинг тақсимланиши**

Индуцирланган ҳомиладорлик билан аёллар орасида кўнгил айнаш ва қайт қилиш ҳамда хавотирли-депрессив ҳолатларнинг оғир даражаларининг юқори частотаси кўнгил айнаш ва қайт қилишни даволашдаги асосий звенолардан бири сифатида психолог маслаҳатини барвақт тавсия қилиш учун сабаб бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Индуцирланган ҳомиладорлик биринчи триместрида кўнгил айнаш ва қайт қилишни даволаш натижалари**», деб номланган бешинчи бобида индуцирланган ҳомиладорликнинг биринчи триместрида кузатилган кўнгил айнаш ва қайт қилишни даволашга турли ёндашувларнинг натижалари қиёсий жиҳатдан таҳлили қилинган.

Чиқариб юборилган мижозлар ҳисобга олинмаганида, ҳомиладорликнинг биринчи триместри турли даражадаги кўнгил айнаш ва қайт қилиш билан асоратланган 160 нафар аёл даволаш натижаларини қиёсий таҳлили қилиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Даволаш чора-тадбирлари давомида ўзгаришлар динамикасини кузатиш учун балларни ҳисоблашнинг Pregnancy-Unique Quantification of Emesis scoring system – PUQE-24 системасининг янгиланган тури қўлланилган.

Аёллар уч гуруҳга бўлиндилар: I (асосий) гуруҳ (n=52) – кўнгил айнаш ва қайт қилиш занжабилни (250 мг дан кунига тўрт маҳал) қўллаш асосида даволанган; II гуруҳ (n=54) – пиридоксинни (40 мг дан кунига икки маҳал) қўллаш асосида даволанган; III гуруҳ (n=54) – асосий даво сифатида қайт қилишга қарши дори воситалари (метоклопрамид) қўлланган.

Клиник ўзгаришларнинг динамикаси иккинчи, тўртинчи ва олтинчи кунлари кузатилганда, даволашнинг ҳар бир усули PUQE-24 кўрсаткичининг камайишига олиб келгани қайд этилган (1-жадвал).




**Даволаш босқичларида PUQE-24 кўрсаткичи ўзгаришининг қиёсий динамикаси**

Гуруҳлар	Натижа	2 кун ўтгач	4 кун ўтгач	6 кун ўтгач	Гуруҳ ичида Р кўрсаткичи
I	10,8±2,03	8,2±2,2	6,1±2.1	4,23±1.1	0.002
II	9,48±2,4	9,2±1,8	8.9±2.1	8.23±1.1	>0.05
III	9,52±2,4	9,3±1,2	9.0±2.2	7.43±1.2	>0.05
Гуруҳлараро Р кўрсаткичи	0,08	0,08	0,06	0,05	0,07

Бироқ, занжабил билан даволанган мижозларнинг асосий гуруҳида таққослов гуруҳдагиларга нисбатан анча паст PUQE-24 кўрсаткичлари аниқланди, яъни PUQE-24 кўрсаткичига ижобий таъсир бўйича занжабил пиридоксин ва метоклопрамидга нисбатан самаралироқ таъсир қилган. Асосий гуруҳдаги аёлларнинг 44 таси (84,6%) кўнгил айланиш ва қайт қилишнинг энгил ва 8 таси (15,4%) эса ўртача даражасига мансуб бўлган, охир даражаси кузатилмаган.

Аёлларнинг таққослов гуруҳида пиридоксин билан даволашдан сўнг энгил даражадаги кўнгил айланиш ва қайт қилиш 70,4% (n=38) ҳолларда, ўртачаси 22,2% (n=12) ва охир даражаси 7,4% (n=4) ҳолларда қайд этилди.

Метоклопрамид қабул қилган хомиладорлар гуруҳида тадқиқотнинг якунига келиб 37 нафари (68,5%) энгил даражали, 11 нафари (20,4%) ўртача ва 6 нафари (11,1%) оғир даражали кўнгил айланиш ва қайт қилиш кузатилган (3-расм).



**3-расм. Даволашнинг 6 кун ўтгач аёлларнинг PUQE-24 бўйича тақсимланиши**

Ўтказилган даволаш кўрсатилган бузилишларни коррекциялаш, ички аъзолар, биринчи навбатда жигар ва буйрак метаболизмини меъёрлаштириш (билирубин, креатинин ва сийдикчил миқдорини камайтириш), сув-электролит мувозанатини меъёрлаштириш (калий, натрий, хлор даражасини кўпайтириш) имконини берган.

Периферик қондаги ўзгаришлар динамикаси таҳлил қилинганида даволашдан сўнг таққослов гуруҳидаги аёлларда гемоглобин ва эритроцитлар кўрсаткичлари бироз ўзгарганлиги аниқланди. Шунингдек, таққослов гуруҳларида гематокритнинг пиридоксин билан даволанганлар гуруҳида  $41,1 \pm 0,7\%$ дан  $39,5 \pm 0,9\%$ гача, метоклопрамид билан даволанганлар гуруҳида эса  $41,1 \pm 0,6\%$ дан  $40,5 \pm 0,9\%$ гача ишончли бўлмаган даражада камайиши, асосий гуруҳда эса  $41,4 \pm 0,8\%$ дан  $35,3 \pm 0,9\%$ гача ( $P < 0,05$ ) ишончли камайиши кузатилган.


Асосий ва пиридоксин ёрдамида даволанган аёллар гуруҳларида қон зардобидаги умумий оксил миқдорининг, мос равишда,  $56,8 \pm 1,5$  г/л дан  $67,2 \pm 1,7$  г/л гача ва  $57,8 \pm 1,6$  г/л дан  $61,2 \pm 1,4$  г/л гача бироз ортганлиги кузатилган.

Даволашдан кейин умумий билирубин миқдорининг камайиши барча гуруҳларда кузатилди. Бироқ, билирубин миқдорининг ишончли меъёрлашуви ( $22,4 \pm 0,9$  мкмоль/л дан  $13,4 \pm 0,6$  мкмоль/л гача,  $P < 0,01$ ) хомиладорларнинг асосий гуруҳида қайд этилган. Шунингдек, сийдикчил ва креатинин миқдорининг ҳам ҳамма гуруҳларда камайиши кузатилган, бироқ занжабил ёрдамида даволанганлар гуруҳида кўпроқ ифодаланган.

Даволашдан сўнг асосий ва биринчи таққослов гуруҳларда калий миқдори ишончли даражада, мос равишда,  $3,52 \pm 0,14$  ммоль/л дан  $4,56 \pm 0,07$  ммоль/л гача ( $P < 0,05$ ) ва  $3,58 \pm 0,2$  ммоль/л дан  $4,2 \pm 0,2$  ммоль/л гача ( $P < 0,05$ ) ортганлиги кузатилган.

Даволашдан кейин хлорнинг миқдори асосий гуруҳда  $86,3 \pm 3,4$  ммоль/л дан  $100,1 \pm 2,6$  ммоль/л гача ( $P < 0,05$ ), таққослов гуруҳларида эса, мос равишда,  $85,8 \pm 2,5$  ммоль/л дан  $97,9 \pm 2,2$  ммоль/л гача ва  $85,4 \pm 2,4$  ммоль/л дан  $96,7 \pm 2,1$  ммоль/л гача ( $P < 0,05$ ) ортган.

Кўнгил айланиш ва қайт қилишни даволаш натижаларини қиёсий таҳлил қилиш ҳар бир усулнинг устунлик ва камчиликларини намоян қилди ва натижада биринчи триместрдаги кўнгил айланиш ва қайт қилишда даволаш-ташхислаш тактикаси алгоритминини ишлаб чиқиш имконини берди (4-расм).



**4-расм. Индукцирланган ҳомиладорлик биринчи триместридаги кўнгил айниш ва қайт қилишда даволаш тактикасини танлаш алгоритми**

### ХУЛОСА

1. Аёллар бепуштлиги структурасида гипогонадотроп тухумдон етишмовчилиги улушига 64,0%, қалқонсимон без етишмовчилиги улушига 38,9%, гипоандрогенияга 31,5% ва гиперпролактинемияга 25,9% ҳолатлар тўғри келади. 51,2% аёлларда бир нечта этиологик омиллар биргаликда учраган.

2. Эндокрин бепуштлик билан аёллар ўртасида хавотир-депрессив ҳолатлар тарқалиши 52,7%ни ташкил этди. Натижада, бирламчи бепуштлик

билан аёлларнинг 46%и ва иккиламчи бепуштлик билан аёлларнинг 80,6%и ихтисослашган психолог ва/ёки психотерапевт маслаҳатига мухтож.

3. Кўнгил айниш ва қайт қилиш билан аёлларнинг руҳий-эмоционал ҳолатини ўрганиш уларнинг 44,8%ида юқори даражали шахсий хавотирлик, 72,2%ида эса ситуатив хавотирлик даражасининг ортиши кузатилиб, улар эрта диспепсияга нисбатан эмоционал реакция оқибатида юзага келади. Шунини таъкидлаш лозимки, индуцирланган ҳомиладорликда кўнгил айниш ва қайт қилиш оғирлик даражасидан қатъий назар, 87,7% аёллар зўриқиш ва ҳомиладорликнинг тўхташидан хавотирланишни ҳис этишади.

4. Кўнгил айниш ва қайт қилиш оғирлик даражасини аниқлашда махсус PUQE-24 шкаласини қўллаш танлов варианты бўлиб, унга биноан ўртача даражадаги кўнгил айниш ва қайт қилиш индуцирланган ҳомиладорларнинг 43,7%ида (физиологик ҳомиладорликда эса 58,9%), оғир даражадаги кўнгил айниш ва қайт қилиш эса 38,9%ида (физиологик ҳомиладорликда эса 17,5%) қайд этилади.

5. Индуцирланган ҳомиладорлик билан аёлларда кўнгил айниш ва қайт қилиш нисбатан оғирроқ симптоматика ва 69,6% ҳолларда ҳар куни бир вақтда узоқ муддатли кўнгил айнишнинг пайдо бўлиши ва 72,6% ҳолларда кун давомида тез-тез ўқчиш каби хусусиятлар тавсифланади.

6. Кўнгил айниш ва қайт қилиш билан аёлларнинг асосий гуруҳида *Zingiber officinale* (доривор занжабил)ни орал регидратация билан биргаликда қўллаш таққослов гуруҳларидаги аёлларга нисбатан PUQE-24 кўрсаткичининг сезиларли камайишига олиб келди. Шундай қилиб, даволаш курсидан сўнг асосий гуруҳда кўнгил айниш ва қайт қилишнинг оғир даражаси кузатилмади, ўртача даражадаги кўнгил айниш ва қайт қилиш 15,4% (пиридоксин ва метоклопрамид ёрдамида даволаш гуруҳларида мос равишда 22,2% ва 20,4%) ва енгил даражадаги кўнгил айниш ва қайт қилиш 84,6% ҳолларда кузатилди, бу эса бошқа гуруҳларга нисбатан ишончли фарқланди (пиридоксин ва метоклопрамид ёрдамида даволаш гуруҳларида мос равишда 70,4% ва 68,5%).

7. Индуцирланган ҳомиладорлик биринчи триместрида кўнгил айниш ва қайт қилишни даволашнинг ишлаб чиқилган ва татбиқ этилган комплекс ёндашуви кўнгил айниш ва қайт қилиш симптоматикасининг оғирлиги ва частотасини камайтириш ҳамда она ва ҳомила учун ножўя таъсирларни минималлаштирган ҳолда яхши натижаларни олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ПЕДИАТРИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ**

**ВОИТОВА ГАВХАР АЛИШЕРОВНА**

**ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ ПЕРВОГО ТРИМЕСТРА  
ИНДУЦИРОВАННОЙ БЕРЕМЕННОСТИ И  
ПСИХОЭМОЦИОНАЛЬНОЕ СОСТОЯНИЕ ЖЕНЩИН С  
БЕСПЛОДИЕМ В АНАМНЕЗЕ**

**14.00.01 – Акушерство и гинекология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ - 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.2.PhD/Tib186.**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте усовершенствования врачей.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Асатова Мунира Мирюсуповна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Аюпова Фариди Мирзаевна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** **ГУ «Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр акушерства и гинекологии»**

Защита состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте (Адрес:100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: mail @tashpmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за №\_\_\_\_), (Адрес:100140, г.Ташкент, Юнусабадский район ул. Богишамол, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от \_\_\_\_\_ 2019 года).

**А.В.Алимов**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

**Э.А. Шамансурова**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.И. Ахмедова**

Председатель научного семинара при научном совете по  
присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной Организации Здравоохранения «от бесплодия страдает около 17,5% всех пар репродуктивного возраста в мире, а распространенность женского бесплодия в общей популяции остается на стабильно высоком уровне (8%) и в подавляющем большинстве случаев обусловлена эндокринной патологией»<sup>1</sup>. На сегодняшний день большинство патологических состояний, связанных с бесплодием, поддаются лечению, и как следствие, непрерывно растет число женщин с индуцированной беременностью, достигнутой применением различных медикаментозных стимуляторов овуляции и методик вспомогательных репродуктивных технологий. Частота наступления беременности при лечении ановуляторного бесплодия достаточно высока и составляет от 30 до 80 % в зависимости от формы нарушения. «Однако лечение бесплодия можно считать эффективным и оправданным не только при наступлении беременности, но и при ее благополучном течении, и получении здорового, полноценного потомства»<sup>2</sup>. Данные ряда исследований отмечают, что около 50% потерь индуцированных беременностей обусловлены психоэмоциональными нарушениями и, связанными с ними, особенностями ранних токсикозов в первом триместре беременности. Таким образом, высокая частота неблагоприятных исходов индуцированной беременности, наличие особенностей психоэмоциональных нарушений у женщин с эндокринными формами бесплодия и широкое обсуждение данной проблемы в литературе, определяют актуальность дальнейших исследований в этом направлении.

В мировой практике проводится целый ряд целенаправленных научных исследований, направленных на изучение психоэмоциональных нарушений ассоциированных с бесплодием, что, как правило, усугубляет имеющиеся эндокринные нарушения и может быть причиной возникновения или утяжеления сопутствующих сердечно-сосудистых, системных и обменных заболеваний. Продолжаются исследования направленные на изучение значения повышения уровня простагландинов и других медиаторов воспаления в текальной ткани яичников и в фолликулярной жидкости у больных поликистозом яичников в связи с тем, что в патогенезе бесплодия может играть роль возникающее по невыясненным пока причинам «холодное», асептическое воспаление ткани яичников, перенесённые воспалительные заболевания женской половой сферы или аутоиммунные механизмы. Ещё одной до настоящего времени актуальной проблемой репродуктивной эндокринологии является гипогонадотропная яичниковая недостаточность, которая приводит к дефициту стероидных гормонов

---

<sup>1</sup> Schoolcraft W, Meseguer M; Global Fertility Alliance. Paving the way for a gold standard of care for infertility treatment: improving outcomes through standardization of laboratory procedures. *Reprod Biomed Online*. 2017; 35(4):391-399.

<sup>2</sup> Sormunen T, Aanesen A, Fossum B, Karlgren K, Westerbotn M. Infertility-related communication and coping strategies among women affected by primary or secondary infertility. *J Clin Nurs*. 2018; 27(1-2):335-344.

яичника и развитию метаболических, урогенитальных и психоэмоциональных расстройств

